

## Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 31892

Тошкент ш.

2022 йил "14" 07

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA" давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган «МАНКАМ BUILDING» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва № 002174 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Махкамов Х.К., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда "Тарафлар" деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 6-июлдаги 112334-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда "шартнома" деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент шаҳаридаги 3-сонли қабристонининг йўлакларини таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

#### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС сиз) 30 000 000 (Ўттиз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

#### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

#### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса,

ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи

тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING  
KOMPAНИYA" ДУК

Юридик манзили: 00014 ИИН 204 775 594  
100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,  
16а-уй.

100021860262777065300110010  
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА  
МИНФИНА РУз  
23 402 000 300 100 001 010  
ИИН 201 122 919



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

Директор

### БАЖАРУВЧИ

ООО «МАНКАМ BUILDING»

Адрес и расчетный счет:  
г. Ташкент, Юнусабадский район,  
ул. Мойкурған дом №53  
р/с: 20208000300718496001,  
М. Улугбекский ф-л. АКБ  
«Узпромстройбанк»  
МФО 00440, ИИН 304592883

ОКЭД-71110



Махкамов Х.К



Тошкент шаҳар

**“Тошкент шаҳаридаги 3-сонли қабристонининг йўлакларини таъмирлаш.”  
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини  
аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси  
йиғилишининг  
БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Тошкент шаҳаридаги 3-сонли қабристонининг йўлакларини таъмирлаш.” объекти  
бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 24 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 112334 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:


## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 06 июлдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳаридаги 3-сонли қабристонининг йўлакларини таъмирлаш.” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари.


  
С. Сағдиев

  
Ш. Қодиров


  
О. Хамидов

  
П. Абдусатторов

  
М. Холмаматова



Тошкент шаҳар ҳокимлигини "Янгона буюртмаччи хизмати" ИКнинг  
Тошкент шаҳар ҳокиминининг 2022 йил 9 июндаги 598-14-0-0/22-сонли қарори  
Республика бюджетининг 2022 йил биринчи чорак даромадлар режасини ортгагиб бақарилган қисми ҳисобидан  
объектларнинг куриш бўйича  
2022 йилги МАНВИЛЛИ РҲИХАТИ



№	Объектлар номи ва манзили	Қуришни боғловнинг фойдаланиш даражаси	Давлат	Объектнинг ушбу йилдаги қилиниши	01.01.22 й. ҳозирги ҳолатда объектнинг қилиниши	01.01.22 й. ҳозирги ҳолатда объектнинг қилиниши	01.01.22 й. ҳозирги ҳолатда объектнинг қилиниши	2022 йил ушбу йилдаги қилинишлар						2022 йилда фойдаланишга топширилган объектлар	01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объектнинг қилиниши	01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объектнинг қилиниши	Эксперта ва саноат	Ташқи (шарҳ) ва бошқа ҳужжатлар билан	Ташқи (шарҳ) ва бошқа ҳужжатлар билан
								Жами қилиниш	Қуришни боғловнинг қилиниши	Жами	Жами	Қуришни боғловнинг қилиниши	Қуришни боғловнинг қилиниши						
1	Давлат қўғоқчилик бўлими							594 485.5			594 485.5								
2	Тошкент шаҳар, Миллоқ туманидаги "Ташкилот" бўғловинининг давра, ўқувчи ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					32 790.0			32 790.0								
3	Тошкент шаҳар, Миллоқ туманидаги "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					21 000.0			21 000.0								
4	Тошкент шаҳар, Миллоқ туманидаги "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					26 250.0			26 250.0								
5	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					21 000.0			21 000.0								
6	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					13 650.0			13 650.0								
7	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					21 000.0			21 000.0								
8	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					44 800.0			44 800.0								
9	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					23 275.0			23 275.0								
10	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					30 485.0			30 485.0								
11	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					2 023.0			2 023.0								
12	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси "Ташкилот" бўғловинининг давра ва ўқувчи қўғоқчилик объектлари	2022	объект					157 000.0			157 000.0								



№	Объектлар номи ва мазмуни	Қурилиш объектларининг фойдаланиш шари ташкироти ва ёни	Ўлчам	Объектнинг ушбу объектга қилинган қўшимча инвестициялари (қўшимча инвестицияларнинг умумий қиймати)	01.01.22г. ҳисобга олинадиган қўшимча инвестицияларнинг қиймати	01.01.22г. ҳисобга олинадиган қўшимча инвестицияларнинг қиймати	2022 йил учун қилинган қўшимчалар дивиденди				2022 йилда фойдаланилган таъмиргужастлари		01.01.23 й. ҳисобга олинадиган қўшимча инвестицияларнинг қиймати	01.01.23 й. ҳисобга олинадиган қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Энгилган қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Ташкироти (қўшимча) таъмиргужастлари ва бошқалар	Таъмиргужастларнинг қиймати	
							Жами қилинган қўшимчалар	Қурилиш - қўшимча инвестициялар	Жами	Иқтисодий таъмиргужастлар	Қўшимча инвестициялар	Қўшимча инвестицияларнинг қиймати						Қўшимча инвестицияларнинг қиймати
1																		
2																		
11	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 11-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	6492,5				6492,5										таъмир
12	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 12-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	5390,0				5390,0										таъмир
13	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 13-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	14630,0				14630,0										таъмир
14	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 14-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	14350,0				14350,0										таъмир
15	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 15-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	26250,0				26250,0										таъмир
16	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 16-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	49000,0				49000,0										таъмир
17	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 17-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	26425,0				26425,0										таъмир
18	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 18-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	18630,0				18630,0										таъмир
19	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 19-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	5250,0				5250,0										таъмир
20	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 20-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	23275,0				23275,0										таъмир
21	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 21-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	11580,0				11580,0										таъмир
22	Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 22-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати	Тошкент шаҳри	2022г.	21000,0				21000,0										таъмир



Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги "Қўшнар" маҳалласидаги 11-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати



Ўзбекистон Республикаси  
 Таълим ва Фан вазирлиги  
 Тошкент шаҳри  
 Миробод туманидаги 11-дўхонада ўқув йўналишидаги таълимнинг амалга ошириш мақсадида қўшимча инвестицияларнинг қиймати

2022 й.